

АЗИМОВА Лола

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)*

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ КАДРИЯТЛАРНИ АСРАШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

РЕФОРМЫ ПО ПРОПАГАНДЕ И СОХРАНЕНИЮ РЕЛИГИОЗНО- ПРОСВЕЩЕНЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ

REFORMS ON PRESERVING AND PROMOTING RELIGIOUS- ENLIGHTENING VALUES

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда олиб борилаётган диний-маърифий кадриятларни асраш ва тарғиб этиш борасидаги ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, умуммиллий хусусияти, амалий жиҳатлари ҳамда халқаро даражадаги аҳамияти масалалари таҳлилга тортилган ва умумлашма хулосалар қилинган. Шунингдек, диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг жамият маърифий такомиллигидаги ўрни масалалари қарор ва фармонлар, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар асосида атрофлича ёритилиши муайян умумлашма фикрларни илгари суриш имконини берган.

Таянч сўзлар: Янги Ўзбекистон, ислохот, қарор, фармон, маърифат, дин, кадрият, анъана, мерос, маданият, тарих.

Аннотация: В статье проанализированы реформы по сохранению и пропаганде религиозных и образовательных ценностей, проводимые в последние годы в Новом Узбекистане, их сущность, национальный характер, практические аспекты и вопросы международного значения и сделаны общие выводы. Также вопросы роли реформ в религиозно-просветительской сфере в образовательном совершенствовании общества, основанные на решениях и указах, нормативно-правовых документах, позволили выдвинуть определенные обобщенные мнения.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, реформа, решение, указ, просвещение, религия, ценности, традиции, наследие, культура, история.

Abstract: The reforms regarding the preservation and promotion of religious and educational values, their essence, national nature, practical aspects, and international importance, which have been carried out in recent years in New Uzbekistan, were analyzed and general conclusions were made in this article. Also, detailed coverage of the role of reforms in the religious-educational sphere in the educational improvement of society based on decisions and decrees, and legal-normative documents, made it possible to put forward certain generalized opinions.

Key words: New Uzbekistan, reform, decision, decree, enlightenment, religion, value, tradition, heritage, culture, history.

КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг мустақкам пойдевори минг йиллик тарихимиздан озикланган ҳолда миллий кадриятларни асраш, диний-маърифий меросни тарғиб этиш ва бу асосида илм-фан ютуқларини рўёбга чиқариш, замонавий технологияларни такомиллаштириш, янги-янги илмий кашфиётларни юзага келтиришга доир ислохотларни амалга ошириш ташкил этади. Бинобарин, кўп асрлик миллий ва диний кадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш асносида ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади [1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимизда диний-маърифий билимларни шакллантириш, кадрият ва анъаналарни асраш, бой илмий меросни маърифий жиҳатларини ёритиш, ёшларни соғлом эътиқод руҳида тарбиялаш, ислом динининг бағрикенглик, эзгулик, поклик ғояларини илмий асосда кўрсатиш ва кенг жамоатчиликка етказиш масалалари долзарблик касб этиб, ислохотлар асосини ташкил этмоқда. Хусусан, диний соҳани янада такомиллаштиришга доир 2018 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари

бўйича кўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3668-сонли Қарори, 2018 йил 16 апрелда “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони, 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4436-сонли Қарори Янги Ўзбекистон истиқболи, унинг маърифий ривожини учун муҳим ислохотлардан бўлди.

Тарихий-маданий меросни тиклаш, кўлэма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, тарихий шахс ва улар номи билан боғлиқ мажмуаларни таъмирлаш, ўрганишга доир сўнгги йилларда 30га яқин қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши давлат ва жамият маданий-маърифий ҳаётида муҳим ислохотлардан бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги “Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исроқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 208-сон Қарорининг қабул қилиниши [2] маърифатпарвар ижодкор Исроқхон Ибрат ҳаёти ва фаолиятини кенг жамоатчиликка етказишга, унинг номини абадийлаштирган ҳолда ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини қарор топтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майдаги “Хоразм вилоятидаги “Нуриллабой” тарихий мажмуасини реконструкция ва реставрация қилиш тўғрисида”ги 297-сонли Қарори [3], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 831-сон [4] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Наманган вилоятининг Косонсой туманида “Муғтепа” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 788-сон қарор [5] ларида белгиланган тарихий шахс ва жой номи билан боғлиқ мажмуаларга

бўлган эътибор орқали миллий хусусиятларни шакллантириш, бой маданий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда объектлар тарихини ўрганиш асносида бугунги ёш авлодни тарбиялаш, уларни миллий ғурур туйғуси билан яшашга ундашга доир саъй ҳаракатлар ташкил этади. Бундан ташқари, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сон Қарорига мувофиқ Шарқ кўлэзмалари фондини сақлаш, таъмирлаш, бойитиш ва муайян тизимга келтириш, араб ёзувидаги турли мавзуларга оид ёзма ёдгорликлар ва эпиграфика намуналарини тадқиқ қилиш, уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изоҳлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш, бой тарихий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни сақлаш, илмий таҳлил қилиш, буюк аллома ва мутафаккирларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожига ундан самарали фойдаланиш, келгуси авлодларга етказиш ва бошқа қатор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган [6]. Шу билан бирга, сўнгги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда ўзбек заминидан таваллуд топиб, илмий фаолият олиб борган буюк аллома, мутафаккирлар меросини илмий тадқиқ этиш, Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг кўплаб бебаҳо асарларини, ноёб ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга безавол етказиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш ишларининг муҳимлиги 2022 йил 10 февралда “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-126-сон Қарори [7]ни кўшимчалар киритган ҳолда қабул қилиш заруратини берди. Айниқса, мамлакатимизда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистон

халқаро ислом академияси фаолиятининг ташкил этилиши ва янада такомиллаштиришга доир ислохотларнинг қабул қилиниши Янги Ўзбекистон маърифий ривож, уни Учинчи Ренессанс босқичга олиб чиқиш йўлидаги муҳим маънавий ишлардан бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сон Қарори [8], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 майдаги “Самарқанд шаҳридаги айрим моддий маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 269-сон Қарори [9] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 мартдаги “Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 119-сон Қарори ва шу каби бошқа кўплаб ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш, улардан унумли фойдаланиш ва бу маданий мерос орқали жамият маънавий ҳаётини юксалтириш, миллий кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган ислохотларни амалга оширишдан иборатдир. Бундан ташқари, сўнгги йилларда республикада маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштиришга оид 10 дан ортиқ қарор ва фармонлар, жумладан, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори, 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон Қарори, 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040 сон ва “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5039 сон қарорлари ва бошқаларни тилга олиш

мумкин. Нашр ишларини такомиллаштириш, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ 3271-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика болалар кутубхонаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1043-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 781-сон қарорлари ва бошқалар давлат ва жамият ижтимоий-маданий ҳаётини янада такомиллаштиришга қаратилган ислохотлардан бўлди.

Шу билан бирга, диний бағрикенгликни таъминлаш, маърифатли ислом кадриятларини асраш ва тарғиб этиш, алломалар меросини ўрганиш ҳамда бой тарихимизни кенг жамоатчиликка етказиш борасида қатор ислохотлар [10] амалга оширилиб, уларнинг мазмун-моҳияти ҳусусида соҳа мутахассислари, исломшунос, диншунос, сиёсатшунос, ҳуқуқшуносларнинг мулоҳазалари асосида 50дан ортиқ таҳлилий материаллар эълон қилинди ва бу борадаги ишлар умумжаҳон миқёсидаги масалалар сифатида халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди [11].

2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббусининг илгари сурилиши натижасида 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи сессиясида бир овоздан қўллаб-қувватланганлиги [12], шунингдек, мазкур 72-сессияда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ислом динини зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қоралаб, улар билан ҳеч қачон

мураса қилиб бўлмаслиги лозимлиги ҳақидаги фикрларнинг амалий ифодаси сифатида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396-сонли резолюциясида: “Терроризм, зўравон экстремизм ҳеч бир дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмас ва боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги керак”, дея қайд этилди [13]. Бундан ташқари, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 5 та резолюцияси қабул қилинган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июндаги ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси, юқорида таъкидланган 2018 йил 12 декабрдаги “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси, 2019 йил 19 декабрдаги “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” номли махсус резолюцияси, 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияси ҳамда 2022 йил 11 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясида “Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш” номли резолюция қабул қилинган [14]. Мазкур халқаро масалаларнинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги 78-сессиясида Марказий Осиёни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш мақсадида “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини қабул қилиш ҳамда “Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби – 2030” дастурини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурилиши умумжаҳон аҳамиятига молик ишлардан бўлди. Албатта, мазкур халқаро даражадаги резолюцияларда миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчликни таъминлаш, диний бағрикенглик, маърифат масалалари, турли таҳдидларга қарши ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориш каби умуммиллий манфаатлар илгари сурилган ва амалга ошириш назарда тутилган.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонда диний-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ислохотларни мазмунан қуйидагича таснифлаш мумкин:

– виждон эркинлиги, диний бағрикенглик, маърифат масалалари, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, ёшларда соғлом иммунитетни шакллантиришга доир қонун, қарор ва фармонлар ҳамда халқаро даражадаги ҳужжатлар (резолюция, конвенциялар);

– республикада халқаро даражадаги илмий-тадқиқот марказлари, диний таълим муассасалари, мадрасаларнинг ташкил этилиши ҳамда уларни янада такомиллаштиришга доир қарорлар ва фармонлар;

– диний мазмундаги илмий-адабий нашрларни кенг йўлга қўйилиши ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга оид ислохотлар;

– бой илмий мерос, алломалар ижодини ўрганиш, тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка етказишга доир республика ва халқаро даражадаги конференция, анжуман ва семинарлар;

– муҳаддис, мутасаввиф, калом илми олимлари таваллудини нишонлаш, ижодини ўрганиш ва жамоатчиликка етказишга доир ислохотлар;

– масжид, мақбара, тарихий қадамжоларни қайта тиклаш, реконструкция қилиш ҳамда туризм соҳасини такомиллаштиришга доир ислохотлар;

– исломшунослик, диншунослик ихтисослигига оид илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйилиши ва бу борада докторлик даражасидаги илмий изланишлар (илмий-ижодий мақола, тезис, диссертация ва монографиялар);

– тарихан ислом маданияти бешиги бўлган Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива, Қарши, Тошкент, Фарғона каби шаҳарлар маданиятини дунё ҳамжамиятига кўрсатиш, нуфузини янада оширишга оид давлат ҳамда халқаро миқёсидаги ишлар ва бошқа шу каби ислохотларни айтиш мумкин.

ХУЛОСА

Сўнгги иилларда миллий қадриятларни асраб-авайлаш, тарихий-маданий меросни тиклаш, ислом маданияти, илм фани тараққиётига ҳисса қўшган аждодларимиз фаолияти, уларнинг илмий меросини ўрганиш, кенг тарғиб этишга қаратилган 30 дан ортиқ норматив ҳужжатлар, буюк мутафаккир алломалар, адиблар, маърифатпарвар

иждокорлар, тарихий шахс ва саркардалар таваллуди, уларнинг ислом тамаддунига қўшган ҳиссаси борасида 10 га яқин қарор ва фармонлар ҳамда 50 дан ортиқ илмий-амалий анжуманлар, тарғибот тадбирлари, мингдан ортиқ диний маърифий, илмий адабий нашрлар, 200дан ортиқ диний мавзудаги қўлёзма манбаларнинг ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлар ва бошқа қатор ислохотлар Янги Ўзбекистон ривожини йўлидаги муҳим амалий қадамлардан, дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зиёдов Ш. Диний-маърифий ислохотларда яна бир муҳим қадам. “Халқ сўзи” газетаси 2021 йил, 28 июль, 157-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.04.2017 й. 208-сонли Қарори // NRM.uz/ <https://nrm.uz/contentf>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.05.2017 й. 297-сонли Қарори // NRM.uz/ <https://nrm.uz/contentf>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 й. 831-сонли Қарори // NRM.uz. <https://nrm.uz/contentf>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 й. 788-сонли Қарори / <https://nrm.uz/contentf>.
6. Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида//ги ПҚ-2995-сон Қарори. 24.05.2017. <https://lex.uz/docs/3211987>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-126-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/5854226>.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.03.2019 й. 265-сонли Қарори // <https://nrm.uz/contentf?doc=584246>.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.05.2020 й. 269-сонли Қарори // <https://nrm.uz/contentf?doc=622560>.
10. Президентимиз Ислон цивилизацияси марказига ташиф буюрди // <https://uza.uz/uz/posts/prezidentimiz-islom-tsivilizatsiyasi-markaziga-tashrif-buyur-21-12-2018>.
11. Мелиқўзиев Ж. Сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада қабул қилинаётган қарор ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти – oliymahad.uz // <https://oliymahad.uz/17237>; Сирожов Б. Диний-маърифий соҳада олиб
- борилаётган ислохотлар // <https://zamaxshariy.uz/4635> ва бошқалар.
12. Раҳимов М. БМТнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг моҳияти ва аҳамияти /<http://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/bmtning-marifat-va-diniy-bagrikenglik-rezoluciasining-moiati-va-aamiati>.
13. Жўраев Ш. Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотлар халқаро жамоатчилик эътирофиди // <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=3760>.
14. Халқаро ҳуқуқ иждокорлиги: Ўзбекистон ташаббуси эътирофи. А.Саидов билан суҳбат // <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m8085>.